

Хадижа Диалло: Бизда сувсизлик оғир муаммо ва етимлар кўп...



21:00 / 05.09.2021 1832

4 сентябрь куни "ВАҚФ" фонди раҳбари Яҳё Абдурахмонов Нигер давлати делегацияси билан учрашув ўтказди.

Учрашувда томонлар мадраса, меҳмонхона, бозорлар қуриш, сув чиқариш, етимларни таъминлаш ва бошқа йўналишларда вақф орқали катта натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидлаб ўтдилар.

Хадижа Диалло Нигер мамлакатада 24 миллион аҳоли бўлиб, 99% аҳоли мусулмон, ҳамда асосан ёшлардан ташкил топганини айтиб ўтди. Сўнгги йилларда Нигер ҳукумати вақф бўйича махсус қонун қабул қилган. 2030 йилга бориб вақф институти мамлакатнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ёрдам кўрсатиш, барқарор иқтисодий ва ижтимоий

ривожланишни таъминлашда асосий институт вазифасини ўташи Нигер вақфининг асосий мақсади этиб белгиланган.

Музокарада томонлар эсдалик совғалари билан алмашдилар.